

Юксак марра сари

Билимнинг кенгайиши, билганларингизнинг мустаҳкамланиши интеллектуал мусобақалар билан белгиланади. Билимнинг онаси такрорлашдир. Бу эса ғолиблик гаштини суриш учун китоб мутолаасига киришишни талаб этади. 2018 йил 22 декабрь куни “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети талаба ёшларини дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида факультет деканати ҳамда “Ёшлар иттифоқи” факультет кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган 2018-2019 - ўқув йили бошидан старт олган “Заковат” лигаси ўйинларининг финал босқичи ўтказилди. Заковат ўйини баҳсларида факультетнинг 9 та жамоаси иштирок этди. Финал ўйинида 1-ўринни “Genius” жамоаси қўлга киритди, 2-ўринни “Javob” жамоаси ҳамда 3-ўринни “Auditor” ишғол этди. Заковат ўйинларида фаол иштирок этган жамоалар ташаккурномалар ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди. Биринчи ўринни қўлга киритган жамоага планшет тақдим этилди.



“СХТЭ ва Б” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов